


## Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2024 йилнинг учинчи чорагида тафтиш тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори

“Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 29-моддасига асосан Олий суднинг Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2024 йилнинг учинчи чорагида тафтиш тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тайёрланди.

Судлов ҳайъатининг ўтган даврдаги фаолияти таҳлилларига кўра, Олий суднинг 2024 йил иккинчи ярми учун мўлжалланган иш режаси, чора-тадбирлар дастури ва йўл хариталарида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан муайян ишлар амалга оширилган.

Жумладан, судлов ҳайъатига ҳисобот даврида жами **1 164** та тафтиш шикоятлари (протести) келиб тушган. Шундан **345** та шикоят қайтарилган, **69** тасини қабул қилиш рад қилинган, **343** тасини судлов ҳайъатига ўтказиш рад этилган, **313** таси судлов ҳайъатига ўтказилган. Ҳисобот даврининг охирига қолдиқ шикоятлар сони **94** тани ташкил этади.

### Тафтиш инстанциясининг 2024 йил учинчи чорагидаги иш фаолияти таҳлиллари



- шикоят қайтарилган
- қабул қилиш рад этилган
- судлов ҳайъатига ўтказиш рад этилган
- судлов ҳайъатига ўтказилган
- қолдиқ шикоятлар

Судлов ҳайъати томонидан жами **274** та тафтиш шикоят (протести) кўриб чиқилган. Шундан **131** таси бўйича суд ҳужжати ўзгаришсиз қолдирилган, **31** таси бўйича суд ҳужжати ўзгартирилган, **98** таси бекор қилинган, **13** та шикоят бўйича иш юритиш тугатилган, **1** та шикоят кўрмасдан қолдирилган. Ҳисобот даврининг охирига қолдиқ ишлар сони **36** тани ташкил этган. Бекор қилинган суд ҳужжатлари бўйича таҳлил қилинганда, ишларнинг **26** таси қуйи инстанция судларига янгидан кўриш учун юборилган, **45** таси бўйича янги қарор қабул қилинган, **20** таси бўйича аввал қабул қилинган Қашқадарё (6), Навоий (2), Сурхондарё (1), Тошкент шаҳар (3), Тошкент (3), Хоразм (1) судларининг қарорлари ўз кучида қолдирилган, **6** таси бўйича иш юритиш тугатилган ва **1** таси бўйича даъво аризаси кўрмасдан қолдирилган.



Ушбу статистик таҳлиллар орқали Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 2-моддасида белгиланган суд ишларини юритиш мақсади ва вазифаларига қуйи судлар томонидан қанчалик даражада эришилганлигини баҳолаш мумкин.

Судлов ҳайъатида тафтиш тартибида кўриб чиқилган жами ишларнинг ҳудудлар кесими бўйича кўрсаткичлари қуйидагича: Тошкент шаҳрининг **81** та, Тошкент вилоятининг **34** та, Қашқадарё вилоятининг **25** та, Олий суднинг **19** та, Хоразм ва Фарғона вилоятларининг **18** тадан, Андижон вилоятининг **14** та, Самарқанд вилоятининг **12** та, Навоий вилоятининг **11** та, Бухоро вилоятининг **10** та, Сурхондарё ва Наманган вилоятларининг **9** тадан, Жиззах вилоятининг **7** та, Қорақалпоғистон Республикасининг **6** та ва Сирдарё вилоятининг **1** та суд ҳужжатига нисбатан берилган тафтиш шикоятлари кўриб чиқилган.



Ишларни биринчи, апелляция ёки кассация, тафтиш инстанцияси судларида кўришда айрим ҳолларда моддий (қўлланилиши лозим бўлган қонунчилик ҳужжатининг қўлланилмаганлиги, қонунчилик ҳужжатининг нотўғри қўлланилганлиги) ва процессуал (ишлар билдирилган талаб бўйича қарор қабул қилинмаган ҳолда, даъво талабидан четга чиққан ҳолда кўрилганлиги, ишга жавобгар сифатида жалб қилиниши лозим бўлган шахсни жалб қилмаганлиги ҳамда шикоятлар асосиз иш юритишга қабул қилинганлиги) ҳуқуқ нормаларини қўллашда хатоликларга йўл қўйилганлиги сабабли тафтиш инстанцияси суди томонидан суд қарорлари ўзгартирилган ёки бекор қилинган.

Тафтиш инстанцияси суди томонидан суд қарорларини ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳолати ҳудудлар кесими бўйича кўрсаткичлари Тошкент шаҳрида 27 та, Қашқадарёда 16 та, Тошкентда 14 та, Олий суд ва Хоразмда 13 тадан, Фарғонада 12 та, Самарқандда 7 та, Андижон ва Навоийда 6 тадан, Жиззах ва Сурхондарёда 4 тадан, Наманганда 3 та, Қорақалпоғистон Республикаси ва Бухорода 2 таданни ташкил этган.

Суд амалиёти обзори натижалари **Тошкент шаҳри, Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Қашқадарё вилоятлари** ҳамда ушбу ҳудудлардаги туман (шаҳар), туманлараро иқтисодий судлар томонидан биринчи, апелляция ёки кассация, тафтиш инстанцияси сифатида ишларни кўришда айрим ҳолатларда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси (бундан буён матнда ФК деб юритилади), Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси (бундан буён матнда ИПК деб юритилади) ва бошқа қонун ҳужжатлари нормаларининг нотўғри қўлланилиши, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳамда Олий хўжалик суди Пленуми қарорларида берилган тушунтиришларга риоя қилмаслик ҳолатларига йўл қўйилганлигини кўрсатди.

## Процессуал ҳуқуқ нормаларини қўллаш амалиёти

**Билдирилган талаб бўйича суд ҳал қилув қарори қабул қилмаганлиги, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ҳар қандай ҳолда бекор қилиш учун асос бўлади.**

МЧЖ (бундан буён матнда даъвогар деб юритилади) иқтисодий судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, АЖдан (бундан буён матнда жавобгар деб юритилади) 1 824 000 000 сўм асосий қарз ва 91 200 000 сўм жарима ундиришни сўраган.

Бундан ташқари, Савдо-саноат Палатаси жавобгар манфаатида судга қарши даъво аризаси билан мурожаат қилиб, даъвогар зиммасига ташлаб кетилган ускунасини олиб чиқиб кетиш ҳамда ускуна турган ҳудудни бўшатиш мажбуриятини юклаш ҳамда 364 800 000 сўм жарима ундириб беришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2023 йил 3 октябрдаги ҳал қилув қарори билан дастлабки даъво аризасини қаноатлантириш рад этилиб, қарши даъво аризаси қисман қаноатлантирилган. Даъвогар зиммасига ҳал қилув қарори қонуний кучга киргач 10 (ўн) кунлик муддатда жавобгарнинг Тошкент вилоят филиали ҳудудига шартномага асосан етказиб берилган ускуналарни олиб чиқиб кетиш ҳамда ҳудудни бўшатиш мажбурияти юклатилиб, даъвогардан жавобгар фойдасига 52 000 000 сўм жарима ундирилган.

Апелляция инстанцияси судининг 2023 йил 13 декабрдаги қарори билан биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Тафтиш инстанцияси судининг 2024 йил 24 апрелдаги қарори билан суд қарорлари ўзгаришсиз қолдирилган.

Ишдаги аниқланган ҳолатларга кўра, биринчи инстанция судида МЧЖнинг даъво аризаси асосида қўзғатилган иқтисодий ишни кўриш жараёнида Савдо-саноат Палатаси ҳам судга қарши даъво аризаси тақдим этган.

ИПК 152, 161-моддаларига кўра, даъво аризасини иш юритишга қабул қилиш, қабул қилишни рад этиш ёки қайтариш ёхуд даъво аризасини судга тааллуқлилигига кўра бошқа судга ўтказиш тўғрисида ажрим чиқарилади, ажримнинг кўчирма нусхалари ишда иштирок этувчи шахсларга ажрим чиқарилганидан кейинги кундан кечиктирмай юборилади.

Қарши даъвони тақдим этиш ва иш юритишга қабул қилиш даъво аризаларини тақдим этиш ва иш юритишга қабул қилиш учун белгиланган коидалар бўйича амалга оширилиши лозим.

Бирок, қарши даъво аризаси ажрим билан иш юритишга қабул қилинмаган бўлсада, биринчи инстанция суди билдирилмаган талаб бўйича бевосита тарафга мажбурият юклашни назарда тутган қарор қабул қилган.

ИПК 302-моддаси бешинчи қисмининг 6-бандига кўра, билдирилган талаб бўйича суд ҳал қилув қарори қабул қилмаганлиги, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ҳар қандай ҳолда бекор қилиш учун асос бўлади.

Апелляция ва тафтиш инстанцияси эса ушбу ҳолатни эътиборга олмасдан, ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдириш ҳақида барвақт хулосага келган.

Бунда биринчи инстанция суди қарши даъвони қабул қилиш ёки уни қайтариш ёхуд қабул қилишни рад этиш юзасидан ажрим чиқариши, қарши даъво аризасини иш юритишга қабул қилинганидан сўнг эса қарши даъвони мазмунан кўришга ҳақли эди.

ИПК 324<sup>7</sup>-моддасининг биринчи қисми 3-бандига кўра, ишни тафтиш тартибида кўрадиган суд тафтиш тартибидаги шикоятни (протестни) кўриш натижалари бўйича ушбу Кодекс 302-моддаси бешинчи қисмининг 3 ва 6-бандларида назарда тутилган асослар мавжуд бўлганда, қарорни бекор қилишга ва ишни янгидан кўриш учун суд ҳужжати бекор қилинган апелляция ёки кассация инстанцияси судига юборишга ҳақли.

Шу сабабли, Олий суд Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати тафтиш инстанциясининг 2024 йил 25 сентябрдаги қарори билан апелляция ва вилоят тафтиш инстанциялари қарорларини бекор қилиб, ишни янгидан кўриш учун апелляция инстанцияси судига юборган.

*4-1001-2309/32206-сонли иш*

***Яна бир мисол:***

Туман фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши (бундан буён матнда Кенгаш деб юритилади) “А” фермер хўжалиги (бундан буён матнда фермер хўжалиги деб юритилади) манфаатида судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, “ОС” МЧЖдан (бундан буён матнда жавобгар деб юритилади) 160 378 552 сўм зарар ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2024 йил 5 мартдаги ҳал қилув қарори билан даъво қисман қаноатлантирилиб, жавобгар ҳисобидан даъвогар фойдасига 42 000 000 сўм банк фоизи ундирилган.

Апелляция инстанцияси судининг 2024 йил 25 апрелдаги қарори билан биринчи инстанция суднинг ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Тафтиш инстанцияси судининг 2024 йил 12 июндаги қарори билан суд ҳужжатлари ўзгаришсиз қолдирилган.

Ишдаги аниқланган ҳолатларга кўра, даъвогар дастлаб даъво аризасидаги талабида кредит фоизи учун 131 541 918 сўм, 6 653 880 сўм давлат божи, 2 182 754 сўм ва 12 000 000 сўм ижро йиғими ҳамда бошқа мақсадлар учун 8 470 765 сўм ундириб, жавобгарнинг айби билан реал зарар кўрганлиги баён этилиб, 160 378 552 сўм зарар ундиришни сўраган.

Кейинчалик, даъвогар судга ариза билан муурожаат қилган ва унда даъво талабига аниқлик киритиб, 160 378 552 сўм ундириш ҳақидаги талабини банк фоизи деб ўқишни сўраган.

Бундай ҳолатда ариза билан қайд этилган процессуал қонун талабига биноан даъво предмети ўзгартирилган ҳисобланади.

ИПК 157-моддасининг биринчи қисмига кўра, даъвогар ишни биринчи инстанция судида кўриш чоғида ишнинг мазмунан кўрилиши якуни бўйича чиқариладиган суд ҳужжати қабул қилингунига қадар даъвонинг асосини ёки предметини ўзгартиришга, даъво талабларининг миқдорини кўпайтиришга ёки камайтиришга ҳақли.

Даъвонинг асосини ёки предметини ўзгартиришни, даъво талаблари миқдорини кўпайтиришни ёки камайтиришни, даъвогарнинг даъводан тўлиқ ёки қисман воз кечишини қабул қилиш ҳақида ёхуд қабул қилишни рад этиш тўғрисида ажрим чиқарилади.

ИПК 302-моддаси бешинчи қисмининг 6-бандига кўра, билдирилган талаб бўйича суд ҳал қилув қарори қабул қилмаганлиги, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ҳар қандай ҳолда бекор қилиш учун асос бўлади.

Бунда, биринчи инстанция суди даъво предмети ўзгарганлигини қабул қилиш ёки қилмаслик юзасидан ажрим чиқариши, даъво предметини ўзгартириш ҳақидаги аризани иш юритишга қабул қилинганидан сўнг эса даъво аризасини мазмунан кўришга ҳақли эди.

Апелляция ва тафтиш инстанцияси эса ушбу ҳолатни эътиборга олмасдан ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдириш ҳақида барвақт хулосага келган.

ИПК 324<sup>7</sup>-моддаси биринчи қисмининг 3-бандига кўра ишни тафтиш тартибида кўрадиган суд тафтиш тартибидаги шикоятни (протестни) кўриш натижалари бўйича ушбу Кодекс 302-моддаси бешинчи қисмининг 3 ва 6-бандларида назарда тутилган асослар мавжуд бўлганда, қарорни бекор қилишга ва ишни янгидан кўриш учун суд ҳужжати бекор қилинган апелляция ёки кассация инстанцияси судига юборишга ҳақли.

Қайд этилганларни эътиборга олиб, Олий суд Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати тафтиш инстанциясининг 2024 йил 24 сентябрдаги қарори билан апелляция ва тафтиш инстанциялари қарорлари бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун апелляция инстанциясига юборилган.

*4-1803-2401/116-сонли иш*

**Ишда иштирок этишга жалб қилинмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида суд томонидан ҳал қилув қарори қабул қилинганлиги, суд ҳужжатини бекор бўлишига асос бўлади.**

“SR” масъулияти чекланган жамияти (бундан буён матнда даъвогар деб юритилади) судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, “Suv ta`minoti” масъулияти чекланган жамиятидан (бундан буён матнда жавобгар деб юритилади) 8 155 791,82 сўм пул маблағларини қайтаришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2024 йил 5 мартдаги ҳал қилув қарори билан даъво талабини қаноатлантириш рад этилган.

Апелляция инстанцияси судининг 2024 йил 16 майдаги қарори билан биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Тафтиш инстанцияси судининг 2024 йил 4 июлдаги қарори билан суд хужжатлари ўзгаришсиз қолдирилган.

Ишдаги аниқланган ҳолатларга кўра, 2020 йил 9 июнда “E-IJRO AUKSION” Ягона электрон савдо майдончасида ўтказилган электрон онлайн-аукционда МИБ Яшнобод туман бўлимидан 2020 йил 17 февралдаги қарорига асосан электрон онлайн - аукцион савдога қўйилган “NAQL” АЖ (бундан буён матнда АЖ деб юритилади)га тегишли бўлган Тошкент шаҳри, Бунёд кўчаси Г-44-Б манзилида жойлашган кўчмас мулк жавобгар томонидан сотиб олинган.

2021 йил 8 январда даъвогар ва жавобгар ўртасида истеъмолчиларга ичимлик суви ва оқова суви хизматларини кўрсатиш учун 23-2817-сонли шартнома тузилган ҳамда ушбу шартнома бўйича тарафлар ҳуқуқ ва мажбуриятларига амал қилиб келишган.

2022 йил 6 сентябрда жавобгар даъвогарга хат билан мурожаат қилиб, унда 2022 йил 31 август ҳолатига 39 274 529,44 сўм миқдорда қарздорлик қайси манзил, қайси шартнома бўйича ва қачон вужудга келганлиги тўғрисида маълумот беришни сўраган.

Ўз навбатида даъвогарнинг жавобгарга йўллаган 2022 йил 16 сентябрдаги хатида даъвогар ва АЖнинг “MAXSUSGAZTA`MIR” филиали ўртасида ичимлик сувни етказиш ва оқова сувларини қабул қилиш тўғрисида 28-694-сонли шартнома тузилганлиги, мазкур шартнома бекор қилиниши вақтида 39 274 529,44 сўм қарздорлик мавжуд бўлганлиги, ушбу қарздорлик жавобгар зиммасига юкланганлиги маълум қилинган.

Биринчи инстанция суди АЖнинг “MAXSUSGAZTA`MIR” филиали Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июлдаги 194-сон қарори билан тасдиқланган “Истеъмолчиларга сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш хизматлари кўрсатиш тўғрисида”ги Қоидаларнинг 115-бандига биноан объект эгаси ўзгарганда истеъмолчи чиқиб кетишидан 7 кун аввал мавжуд қарзларини узиб, бу ҳақда ИСКХ ташкилоти билан далолатнома тузилган ёки йўқлигига ҳамда жавобгар кўчмас мулкни сотиб олиш санасига эски истеъмолчинини қопланмаган дебиторлик қарзи қанчани ташкил этганлигига аниқлик киритмаган.

Шу билан бирга, АЖнинг қарзини даъвогар ҳисобига ўтказиш масаласига ҳуқуқий баҳо берилган бўлса-да, ишга АЖни низонинг предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахс сифатида жалб қилиш чораси кўрилмасдан, эски истеъмолчининг мажбурияти тўғрисида қарор қабул қилинган.

ИПК 163-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига кўра, судья ишни суд муҳокамасига тайёрлаш чоғида ишда иштирок этиш учун бошқа жавобгарни ёки учинчи шахсни жалб этиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқади.

Апелляция ва тафтиш инстанцияси эса ушбу ҳолатни эътиборга олмасдан ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдириш ҳақида барвақт хулосага келган.

Шу сабабли, Олий суд Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати тафтиш инстанциясининг 2024 йил 10 сентябрдаги қарори билан апелляция ва вилоят тафтиш инстанцияси судларининг қарорлари бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун апелляция инстанциясига юборилган.

*4-1001-2409/1683-сонли иш*

**Апелляция шикоятини апелляция шикоятини беришнинг муддати ўтказиб берилган бўлса, апелляция шикоятини (протести) бўйича иш юритиш тугатилади.**

Ҳокимлик (бундан буён матнда даъвогар деб юритилади) судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, “N” фермер хўжалиги (бундан буён матнда жавобгар деб юритилади) билан 2020 йил 20 февралда тузилган ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномасини бекор қилиш ва ер майдонларини туман ҳокимлиги захира ер фондига қайтаришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2022 йил 13 апрелдаги ҳал қилув қарорига асосан даъво талаблари қаноатлантирилган.

Апелляция инстанцияси судининг 2024 йил 9 январдаги қарори билан ҳал қилув қарори бекор қилиниб, даъвони қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида янги қарор қабул қилинган.

Тафтиш инстанцияси судининг 2024 йил 15 мартдаги қарори билан суд қарорлари бекор қилиниб, даъво аризасини кўрмасдан қолдириш тўғрисида янги қарор қабул қилинган.

Ишдаги аниқланган ҳолатларга кўра, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори 2022 йил 13 апрелда қабул қилинган.

ИПК 262-моддасига кўра, агар қонунчиликда бошқача муддат белгиланмаган бўлса, апелляция шикоятини (протести) биринчи инстанция суди томонидан шикоят қилинаётган (протест келтирилаётган) ҳал қилув қарори қабул қилинган кундан эътиборан бир ой ичида берилиши мумкин.

Апелляция шикоятини (протестини) беришнинг ўтказиб юборилган муддати, шикоят (протест) берган шахсининг илтимосномаси бўйича апелляция инстанцияси суди томонидан, агар илтимоснома ҳал қилув қарори қабул қилинган кундан эътиборан икки ойдан кечиктирмасдан берилган ва апелляция шикоятини (протестини) бериш муддати ўтказиб юборилишининг сабаблари суд томонидан узрли деб топилган бўлса, тикланиши мумкин.



Ишда иштирок этишга жалб қилинмаган, аммо ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тўғрисида суд ҳал қилув қарори қабул қилган шахслар, шунингдек суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинмаган ишда иштирок этувчи шахслар учун ушбу модданинг биринчи

ва иккинчи қисмларида назарда тутилган апелляция шикоятини бериш муддати уларга ҳал қилув қарори қабул қилинганлиги маълум бўлган кундан эътиборан ҳисобланади.

Аммо, жавобгар томонидан апелляция шикояти 2023 йил 9 ноябрда берилган бўлиб, ҳал қилув қарори устидан шикоят беришнинг қонунда белгиланган муддатдан бир ярим йил вақт ўтказиб берилган.

Жавобгарнинг апелляция шикоятига илова қилинган илтимосномасида эса муддатнинг ўтказиб юборилишига асос сифатида ҳал қилув қарорини кеч олганлиги, апелляция шикоятида эса биринчи инстанция суди жавобгарни суд муҳокамаси вақти ва жойи тўғрисида тегишли тартибда хабардор қилмаганлигини кўрсатиб ўтган.

Ўз навбатида биринчи инстанция суди жавобгарни суд муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилган бўлиб, бу ҳолат ишдаги почта хабарномалари, суд чақирув қоғози ва телефонограмма билан ўз тасдиғини топган.

Бундан ташқари, суднинг ҳал қилув қарори ҳам жавобгарга белгиланган муддатда юборилган. Иш ҳужжатларидаги почта хабарномасида жавобгарнинг манзилига йўлланган ҳал қилув қарорининг нусхасини Элёр Азизов томонидан 2022 йил 20 апрелда қабул қилиб олинганлиги ҳақида маълумот мавжуд.

Шикоят беришнинг муддати узрли сабабларсиз ўтказиб юборилганлиги ишдаги инкор этиб бўлмайдиган далиллар мажмуаси билан тасдиқланса-да, апелляция инстанцияси процессуал қонун нормасига зид равишда апелляция шикояти бериш муддатини асоссиз равишда тиклаган ва ишни мазмунан кўриб ҳал қилув қарорини бекор қилиб даъво аризасини қаноатлантиришни рад этиш ҳақида барвақт хулосага келган.

Тафтиш инстанцияси эса қайд этилган ҳолатларни инобатга олмасдан, апелляция инстанцияси судининг қарорини бекор қилиб, янги қарор қабул қилиб, даъво аризасини кўрмасдан қолдириш тўғрисида барвақт хулосага келган.

ИПК 273-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига кўра, апелляция шикояти (протести) ушбу Кодексга мувофиқ апелляция тартибида шикоят қилинмайдиган ажрим устидан берилган ва у апелляция инстанцияси суди томонидан хатога йўл қўйилиб, иш юритишга қабул қилинган бўлса, апелляция инстанцияси суди апелляция шикояти (протести) бўйича иш юритишни тугатади.

ИПК 302-моддаси биринчи қисмининг 4-бандига кўра, моддий ва (ёки) процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилганлиги ёхуд нотўғри қўлланилганлиги биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини, апелляция инстанцияси судининг қарорини ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асос бўлади.

ИПК 324<sup>7</sup>-моддаси биринчи қисмининг 2-бандига асосан ишни тафтиш тартибида кўрадиган суд тафтиш тартибидаги шикоятни (протестни) кўриш натижалари бўйича ҳал қилув қарорини, қарорни тўлиқ ёки қисман бекор қилишга ва янги қарор қабул қилишга ҳақли.

Шу сабабли, Олий суд Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати тафтиш инстанциясининг 2024 йил 10 сентябрдаги қарори билан апелляция ва тафтиш инстанцияси судларнинг қарорлари бекор қилиниб, апелляция шикояти бўйича иш юритиш тугатилган.

*4-1804-2202/619-сонли иш*

**Тафтиш тартибидаги шикоят (протест)  
суд ҳужжати қонуний кучга кирган  
кундан эътиборан бир йил ичида  
берилади.**

“TFS” МЧЖ (бундан буён матнда МЧЖ ёки жамият деб юритилади) иштирокчиси И.У (бундан буён матнда даъвогар деб юритилади) судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жамият иштирокчиси С.Мни (бундан буён матнда жавобгар деб юритилади) жамият иштирокчилари сафидан чиқаришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2023 йил 28 мартдаги ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлантирилиб, жавобгар жамият иштирокчилари сафидан чиқарилган.

Апелляция инстанцияси судининг 2023 йил 31 майдаги қарори билан ҳал қилув қарори бекор қилиниб, даъвони қаноатлантиришни рад этиш ҳақида янги қарор қабул қилинган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори устидан даъвогар тафтиш тартибидаги шикоят билан мурожаат қилиб, апелляция инстанцияси суди қарорини бекор қилиб, ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдиришни сўраган.

Тафтиш инстанциясининг 2024 йил 31 майдаги ажрими билан даъвогарнинг тафтиш тартибидаги шикоят беришнинг ўтказиб юборилган муддатини тиклаш ҳақидаги илтимосномасини қаноатлантириш рад этилган ва тафтиш тартибидаги шикоятни иш юритишга қабул қилиш рад этилган.

Ишдаги аниқланган ҳолатларга кўра, биринчи инстанция судининг 2023 йил 28 мартдаги ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлантирилган.

Ўз навбатида апелляция инстанцияси судининг 2023 йил 31 майдаги қарори билан ҳал қилув қарори бекор қилиниб, даъвони қаноатлантиришни рад этиш ҳақида янги қарор қабул қилинган.

Вилоят суди судьяси биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори 2023 йил 28 мартда қабул қилганлиги ва ушбу суд қарори 2023 йил 28 апрелда қонуний кучга кирганлиги, ҳал қилув қарори устидан тафтиш тартибидаги шикоят эса 2024 йил 29 апрелга қадар берилиши мумкин

бўлганлиги, даъвогар белгиланган бир йиллик муддатни узрсиз сабабларга кўра ўтказиб юборганлигини асос қилиб, даъвогарнинг тафтиш тартибидаги шикоятини иш юритишга қабул қилишни рад этган.

ИПК 192-моддасига кўра, ҳал қилув қарори, агар унинг устидан апелляция тартибида шикоят қилинмаган (протест келтирилмаган) бўлса, у қабул қилинган кундан эътиборан бир ойлик муддат ўтгач, қонуний кучга киради. Апелляция шикояти (протести) берилган тақдирда ҳал қилув қарори, агар у бекор қилинмаган бўлса, апелляция инстанцияси судининг қарори қабул қилинган кундан эътиборан қонуний кучга киради.

Бунда тафтиш тартибидаги шикоят (протест) беришнинг бир йиллик муддати охири суд ҳужжати ҳисобланган апелляция инстанцияси қарори қабул қилган сана яъни 2023 йил 31 майдан бошлаб ҳисобланади.

ИПК 310-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ, тафтиш тартибидаги шикоят (протест) биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори, ажрими, қарори қонуний кучга кирган кундан эътиборан бир йил ичида берилади.

Бироқ, вилоят суди судьяси тафтиш тартибидаги шикоят 2024 йил 29 майда, яъни суд қарори қонуний кучга киргунга қадар бўлган муддат (2024 йил 31 май) ичида берилганлиги боис процессуал муддатини ҳисоблашда хатоликка йўл қўйган ва процессуал қонун нормасини нотўғри қўллаган.

ИПК 324<sup>8</sup>-моддасининг биринчи қисмига кўра, суд ҳужжатининг ноқонунийлиги ёки асосsizлиги ҳал қилув қарорини, қарорни ёки ажримни ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асос бўлади.

ИПК 324<sup>11</sup>-моддаси учинчи қисмининг 3-бандига мувофиқ, тафтиш инстанцияси суди ажрим, қарор устидан берилган тафтиш шикоятини (протестини) кўриш натижалари бўйича ажримни, қарорни бекор қилишга ҳамда даъво аризасини ва ишни кўриш учун тегишли инстанция судига юборишга ҳақли.

Шу сабабли, Олий суд Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати тафтиш инстанциясининг 2024 йил 25 июлдаги қарори билан тафтиш инстанциясининг ажрими бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун вилоят суди тафтиш инстанциясига юборилган.

## Моддий ҳуқуқ нормаларини қўллаш амалиёти

**Ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи дастлабки ҳужжат бекор қилинган ёки суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилган бўлиб, бироқ низоли ер участкаси амалдаги эгасининг ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжати ўз кучида бўлса, уни ушбу ер майдонидан мажбурий тартибда чиқариш учун асос бўлмайди.**

Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг ҳудудий бошқармаси (бундан буён матнда Палата деб юритилади) “G” фермер хўжалиги (бундан буён матнда даъвогар деб юритилади) манфаатида иқтисодий судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, “V” масъулияти чекланган жамияти (бундан буён матнда жавобгар деб юритилади)ни Тошкент вилояти, Чиноз тумани, Т.Эрназаров массиви, “Маданият” МФЙ ҳудудидаги 615-620-контурларида жойлашган умумий ер майдони 20,15 га бўлган ер майдонидан мажбурий тартибда чиқариш ва ердан фойдаланишга тўсқинлик қилмаслик мажбуриятини юклашни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2023 йил 29 сентябрдаги ҳал қилув қарори билан даъвони қаноатлантириш рад этилган.

Апелляция инстанцияси судининг 2023 йил 5 декабрдаги қарори билан ҳал қилув қарори қисман бекор қилинган. Ҳал қилув қарорининг бекор қилинган қисми бўйича янги қарор қабул қилиниб, жавобгар Тошкент вилояти, Чиноз тумани, Т.Эрназаров массиви, “Маданият” МФЙ ҳудудидаги 615-616-617-618-619-620 контурларида жойлашган умумий 20,15 га бўлган ер майдонидан мажбурий тартибда чиқарилган.

Тафтиш инстанцияси судининг 2024 йил 29 февралдаги қарори билан апелляция инстанциясининг қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Ишдаги аниқланган ҳолатларга кўра, Чиноз туман ҳокимининг 2013 йил 16 майдаги 252-сонли қарори билан янги ташкил этилган даъвогарга Т.Эрназаров массивидаги қишлоқ хўжалиги харитасининг 10-контуридан жами 54,79 га пахта-ғалла йўналишида 4 та фермер хўжалиги ташкил этиш учун ер майдони ажратилган.

Кейинчалик, туман ҳокимининг 2014 йил 26 октябрдаги 467-сонли қарори билан ушбу ер майдони туман ҳокимлиги захирасига қайтариб олинган.

Аммо, ушбу 467-сонли қарорга нисбатан вилоят прокуратураси киритган протест туман ҳокимининг 77-сонли қарори билан қаноатлантирилиб, 467-сонли қарор бекор қилинган ва туман ҳокимининг 2015 йил 24 августдаги 250-сонли қарорига мувофиқ даъвогар билан 2015 йил 11 ноябрда ер ижара шартномаси тузилиб, 12 ноябрда шартнома давлат рўйхатидан ўтказилган.

Туман ҳокимининг 2017 йил 10 апрелдаги 370-сонли қарорига асосан даъвогар фойдаланишидаги ер майдонини умумий 34,64 га қисми хўжалик раҳбарининг аризасига биноан туман захира фондига қайтарилиб, даъвогар ихтиёридаги умумий 20,15 га ер майдони боғдорчилик-узумчилик-сабзавотчилик йўналишида фаолият юритиши белгиланган.

Бундан ташқари, туман ҳокимининг 2018 йил 2 февралдаги 175-сонли қарори билан Халқ депутатлари Чиноз туман Кенгаши сессиясининг 2018 йил 17 январдаги 37/1-сонли қарори маълумот ва ижро учун қабул қилиниб, даъвогар фойдаланишидаги 20,15 га ер майдонини ижарага олиш шартномаси бекор қилинган. Ер туман захирасига олиниб, 2018 йил 19 февралдаги 279-сонли қарор билан ушбу ер майдонлари жавобгарга бириктириб берилган.

Шундан сўнг даъвогарнинг шикояти Янгийўл туман маъмурий судининг 2019 йил 29 январдаги ҳал қилув қарори билан қаноатлантирилиб, туман ҳокимининг 2018 йил 2 февралдаги 175-сонли ҳамда 2018 йил 19 февралдаги 279-сонли қарорлари ҳақиқий эмас деб топилган.

Суднинг ушбу ҳал қилув қарори ижроси доирасида Чиноз туман ҳокимининг 2019 йил 30 январдаги 223-сонли қарори билан қайд этилган 2018 йил 2 февралдаги 175-сонли ва 2018 йил 19 февралдаги 279-сонли қарорлари бекор қилинган.

Кейинчалик, туман ҳокимининг 2019 йил 31 январдаги 234-сонли қарори билан туман ҳокимининг 2019 йил 30 январдаги 223-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб топилиб, 20,15 га ер майдони туман захирасига қайтарилиши билан бирга ер участкасини ижарага олиш шартномаси ҳам бекор қилинган.

Туман ҳокимининг ушбу 2019 йил 31 январдаги 234-сонли қарорига нисбатан Тошкент вилоят прокуратураси томонидан 2019 йил 25 апрелда киритилган протест ижроси Чиноз туман ҳокимлиги томонидан таъминланмасдан қолинган.

Шундан сўнг даъвогарнинг шикояти Чиноз туман маъмурий судининг 2019 йил 12 сентябрдаги ҳал қилув қарори билан қаноатлантирилиб, туман ҳокимининг 2019 йил 31 январдаги 234-сонли қарори ҳақиқий эмас деб топилган.

Кейинчалик, яна туман ҳокимининг 2020 йил 6 февралдаги 106-сонли қарори билан даъвогарнинг фойдаланишига берилган 20,15 га ер майдони туман захирасига қайтарилиши билан бирга ер участкасини ижарага олиш шартномаси ҳам бекор қилинган.

Шундан сўнг даъвогарнинг шикояти Оққўрғон туман маъмурий судининг 2020 йил 28 августдаги ҳал қилув қарори билан қаноатлантирилиб, туман ҳокимининг 2020 йил 6 февралдаги 106-сонли қарори ҳақиқий эмас деб топилган.

Суднинг ушбу ҳал қилув қарори ижроси доирасида Чиноз туман ҳокимининг 2022 йил 16 ноябрдаги 459-10-144-Q/22-сонли қарори билан туман ҳокимининг 2020 йил 6 февралдаги 106-сонли қарори бекор қилиниб, 2022 йил 20 ноябрда туман ҳокимлиги ва даъвогар ўртасида ер ижара шартномаси расмийлаштирилган.

Ушбу ижара шартномасига асосан даъвогар номига умумий 20,15 га ер майдони давлат рўйхатидан ўтказилган.

Шунингдек, Чиноз туман ҳокимининг 2021 йил 12 мартдаги 135-сонли қарорига асосан жавобгар ва туман ҳокимлиги ўртасида 2021 йил 19 июнда ер ижара шартномаси расмийлаштирилиб, умумий 61,37 га (шундан низоли 20,15 га ер майдони ҳам) жавобгарга бириктирилган ва ижара шартномаси давлат рўйхатидан ўтказилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг “Судларда ерга оид низоларни кўришда қонунчилик ҳужжатлари нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида” 2023 йил 20 ноябрдаги 28-сонли қарори 28-бандининг биринчи хатбошисида, ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи дастлабки ҳужжат бекор қилинган ёки суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилган бўлиб, бироқ низоли ер участкаси амалдаги эгаси (фойдаланувчиси)нинг ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжати ўз кучида бўлса, уни ушбу ер майдонидан мажбурий тартибда чиқариш учун асос бўлмайди, бундай ҳолатда судлар даъвогарга амалдаги эгаси (фойдаланувчиси)нинг ушбу ер участкасига бўлган ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатини низолашиш ҳуқуқини тушунтириши белгиланган.

Демак, жавобгар ер майдонидан Чиноз туман ҳокимининг 2021 йил 12 мартдаги 135-сонли қарорига асосан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган ва 2021 йил 19 июнда ер ижара шартномаси расмийлаштирган бўлиб, улар низо судда кўрилаётган вақтда ҳам бекор қилинмаган ёки ҳақиқий эмас деб топилмаган.

Бироқ, апелляция ва тафтиш инстанцияси судлари маъмурий суднинг қонуний кучга кирган суд ҳужжатлари аниқланган ҳолат ИПК 73-моддасига биноан бошқа ишни кўраётган иқтисодий суд учун ишда иштирок этувчи шахсларга тааллуқли бўлган ҳолатларга доир масалалар бўйича мажбурийлигидан келиб чиқиб, ҳал қилув қарорини бекор қилиб, даъвони қаноатлантириш ҳақида барвақт хулосага келган.

Шу сабабли Олий суд Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати тафтиш инстанциясининг 2024 йил 30 июлдаги қарори билан апелляция ва тафтиш инстанцияси судлари қарорларини бекор қилиб, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдириш ҳақида қарор қабул қилган.

**Товар белгисидан қонунга хилоф равишда фойдаланаётган шахс тайёрлаб қўйилган товар белгиси тасвирларини йўқ қилиши шарт.**

“О” масъулияти чекланган жамияти (бундан буён матнда даъвогар деб юритилади) судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, “М” масъулияти чекланган жамиятидан (бундан буён матнда МЧЖ деб юритилади)дан 225 000 000 сўм бой берилган фойдани ундириш ва “N” давлат муассасаси (бундан буён матнда жавобгар деб юритилади) зиммасига МЧЖдан 2022 йил 30 ноябрдаги 846599-сонли контракт асосида сотиб олинган ёриқ лампаларидан “Huvitz” белгисини йўқ қилиш мажбуриятини юклашни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2023 йил 23 августдаги ҳал қилув қарори билан даъво талабини қаноатлантириш рад этилган.

Апелляция инстанцияси судининг 2023 йил 1 ноябрдаги қарори билан биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Тафтиш инстанцияси судининг 2024 йил 25 мартдаги қарори билан суд ҳужжатлари ўзгаришсиз қолдирилган.

Ишдаги аниқланган ҳолатларга кўра, даъвогар 2022 йил 2 мартда берилган MGU 2022 1244-сонли гувоҳномага асосан 10-синфдаги “Huvitz” товар белгиси эгаси ҳисобланган.

МЧЖ биржа электрон тизимининг электрон дўкони орқали ўтказилган аукционда ғолиб деб топилиб, жавобгарга электрон дўкон орқали “Huvitz” савдо белгисига эга бўлган 3 дона ёруғлик лампаларни олиб кириш ва сотиш йўли билан етказиб берган.

Қуйи инстанция судлари бой берилган фойдани ундириш ҳақидаги талаб юзасидан даъвогар ишончли ва мақбул далилларни тақдим этмаганлиги, судларда ҳам бу каби далиллар аниқланмаганлиги ва исботланмаганлиги боис даъвони шу қисмини рад қилиш ҳақида судлар тўғри хулосага келган.

Судлар даъвонинг мажбурият юклашга оид қисмини қаноатлантиришдан рад қилишда даъвогар томонидан МЧЖ жавобгарга сотган “Huvitz” белгили ёруғлик лампалари контрафакт маҳсулот эканлиги, ушбу маҳсулотлар бевосита товар белгиси эгаси розилигисиз олиб кирилганлиги исботланмаганлигини асос қилган бўлса-да, иш ҳужжатларида жавобгарга сотилган “Huvitz” белгили ёруғлик лампалари даъвогар (товар белгисининг эгаси) томонидан ёки унинг розилиги билан фуқаролик муомаласига қонуний тарзда киритилганлигини тасдиқловчи далиллар мавжуд эмаслигига эътибор қаратмаган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1107-моддасига биноан, товар белгисидан қонунга хилоф равишда фойдаланаётган шахс қоидабузарликни тўхтатиши ва товар белгисининг эгасига етказилган

зарарни тўлаши шартлиги, товар белгисидан қонунга хилоф равишда фойдаланаётган шахс тайёрлаб қўйилган товар белгиси тасвирларини йўқ қилиши, қонунга хилоф равишда фойдаланаётган товар белгисини ёки алмаштириб юбориш даражасида унга ўхшаш бўлган белгини товардан ёки унинг идиши ва ўривидан йўқотиши шарт.

Судлар томонидан даъвонинг шу қисмини қаноатлантиришни рад қилишда моддий ҳуқуқ нормаларни нотўғри қўлланилиб хатога йўл қўйилган.

Шу сабабли, Олий суд Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати тафтиш инстанциясининг 2024 йил 6 июндаги қарори билан суд қарорлари ўзгартирилган. Даъво талабининг 2022 йил 30 ноябрдаги 846599-сонли контракт асосида сотиб олинган ёруғлик лампалардан “Huvitz” белгисини йўқ қилиш мажбуриятини юклашга оид қисми қаноатлантирилган.

*4-1405-2301/1796-сонли иш*

**Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 281-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси “Ипотека тўғрисида”ги Қонуннинг 38-моддаси ундирув суд қарори асосида гаров мулкига қаратилганда қўлланилади.**

“О” масъулияти чекланган жамияти (бундан буён матнда даъвогар деб юритилади) судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, АТБ Банк (бундан буён матнда жавобгар деб юритилади) ва даъвогар ўртасида 2020 йил 15 июнда тузилган гаров (ипотека) шартномасини бекор қилишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2023 йил 25 сентябрдаги ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлантирилиб, тарафлар ўртасида 2020 йил 15 июнда тузилган 2020013005000591-сонли гаров (ипотека) шартномаси бекор қилинган.

Апелляция инстанцияси судининг 2024 йил 5 мартдаги қарори билан ҳал қилув қарори бекор қилинган ва даъво талабини қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида янги қарор қабул қилинган.

Тафтиш инстанцияси судининг 2024 йил 4 июндаги қарори билан апелляция инстанциясининг қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Ишдаги аниқланган ҳолатларга кўра, банк ва даъвогар ўртасида 2020 йил 12 июнда тузилган 369-сонли кредит шартномасига асосан банк жавобгарга айланма маблағларни тўлдириш учун 18 ой муддатга, йиллик 26 фоиз устама тўлаш шарти билан 800 000 000 сўм миқдорида кредит ажратган.



Кредит қайтарилмаслигининг таъминоти сифатида 2020 йил 15 июндаги ипотека шартномасига асосан даъвогарга тегишли қурилиши тугалланмаган ишлаб чиқариш цехи ва музлаткичли омборхона биноларининг бир қисми ерга эгалик қилиш ҳуқуқи билан гаровга қўйилган.

Кредит шартномаси юзасидан даъвогар ўз мажбуриятини бажармаганлиги сабабли банкнинг даъвосига асосан қўзғатилган иқтисодий иш юзасидан туманлараро иқтисодий судининг 2021 йил 10 февралдаги ҳал қилув қарори билан даъвогардан банк фойдасига 735 000 000 сўм асосий кредит қарзи, 15 600 000 сўм фоиз қарзи ва суд харажатлари ундириш белгиланган.

Суд қарори ижроси юзасидан МИБ шаҳар бўлими томонидан гаровга қўйилган қурилиши тугалланмаган ишлаб чиқариш цехи ва музлаткичли омборхона бинолари электрон онлайн-аукцион савдосига икки мартаба қўйилган.

Бироқ, сотиб олувчи харидорлар томонидан қизиқиш билдирилмаганлиги сабабли ушбу сотилмаган қўчмас мулклар ўн фоиз арзонлаштирилган ҳолда қабул қилиш ҳақида банкка 2020 йил 1 июлда таклиф хати берилган.

Таклиф хатига банк томонидан муносабат билдирилмаганлиги сабабли Мажбурий ижро бюроси Шаҳрисабз шаҳар бўлими томонидан 2021 йил 13 июлда ижро ишини тамомлаш тўғрисида қарор қабул қилинган.

Шу муносабат билан даъвогар суддан гаров (ипотека) шартномасини бекор қилишни сўраган.

Биринчи инстанция суди Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси (бундан буён матнда ФК деб юритилади) 281-моддасининг олтинчи қисмига, 382, 384-моддаларига ва “Гаров тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 29-моддасининг учинчи қисмига асосланиб, банк ўз мажбуриятларини жиддий равишда бузиб келганлиги далиллар билан тасдиқланган деб ҳисоблаб даъвони қаноатлантирган.

Апелляция инстанцияси даъвони рад қилишда қарздорнинг ликвидли мол-мулки сотилиши электрон онлайн-аукцион орқали амалга оширилиши ва қонунчиликка мувофиқ сотилмагунича аукциондан олинмаслиги белгиланганлигини асос қилган.

Бироқ, биринчи инстанция судининг 2021 йил 10 февралдаги ҳал қилув қарори билан ундирув гаров мулкига қаратилмаган бўлсада, МИБ мазкур иш юзасидан берилган ижро варақасини ижро этиш жараёнида кредит қарзи ундирувини гаров мулкига қаратиб, уни реализация қилиш учун аукционга чиқариб, мулк реализация қилинмагандан сўнг уни олиш ҳақида банкка таклиф қилган.

ФК 280-моддасининг биринчи қисмига кўра, гаровга олувчининг (кредиторнинг) талаблари гаровга қўйилган қўчмас мол-мулк қийматидан суднинг қарорига мувофиқ қондирилади.

Мазкур Кодекс 281-моддасининг биринчи, бешинчи ва олтинчи қисмларига кўра, ушбу Кодекснинг 280-моддасига мувофиқ ундирув қаратилган, гаровга қўйилган мол-мулкни мажбурий равишда реализация қилиш қонунчилиқда белгиланган тартибда электрон онлайн-аукцион шаклидаги очиқ кимошди савдосида сотиш орқали амалга оширилади.

Такрорий кимошди савдоси амалга ошмаган деб эълон қилинганда гаровга олувчи гаров нарсасини реализация қилинмаган гаров нарсасини такрорий кимошди савдосидаги бошланғич сотиш нархидан кўпи билан ўн фоиз камроқ суммада баҳолаб, ўзида олиб қолишга ҳақли.

Агар гаровга олувчи гаров нарсасини ўзида олиб қолиш ҳуқуқидан такрорий кимошди савдоси амалга ошмаган деб эълон қилинган кундан эътиборан бир ой ичида фойдаланмаса, гаров тўғрисидаги шартнома бекор қилинади.

Шу каби норма Ўзбекистон Республикаси “Ипотека тўғрисида”ги Қонуннинг 38-моддасида ҳам белгиланган.

Ушбу қонун талабларига биноан, ундирув гаров мулкига қаратилган, гаровга қўйилган мол-мулкни реализация қилиш учун кимошди савдосига чиқарилган, бироқ гаровга олувчи гаров нарсасини ўзида олиб қолиш ҳуқуқидан кимошди савдоси амалга ошмаган деб эълон қилинган кундан эътиборан бир ой ичида фойдаланмаган ҳоллардагина гаров тўғрисидаги шартнома бекор қилинади.

Ундирув суднинг қарорига мувофиқ гаров мулкига қаратилмаганлиги сабабли юқорида қайд этилган қонун нормаларини асос қилиб, гаров (ипотека) шартномасини бекор қилиб бўлмайди.

Судлар қарор қабул қилишда моддий ҳуқуқ нормаларини нотўғри қўллаб, яъни қўлланилиши мумкин бўлмаган қонунчилик ҳужжатини қўллаган.

Шу сабабли, Олий суд Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати тафтиш инстанциясининг 2024 йил 10 сентябрдаги қарори билан суд қарорлари бекор қилиниб, даъвони қаноатлантириш рад этиш ҳақида янги қарор қабул қилинган.

*4-1802-2302/1694-сонли иш*

**Иқтисодий ишлар бўйича  
судлов ҳайъати**